

1-сонли ШАРТНОМА

Тошкент ш.

«25» февраль 2022й

“O’ztemiryo’lmashta’mir” УК, кейинчалик “Буюртмачи” деб номланувчи номидан, Низом асосида иш юритувчи Бош директор К.У. Халиков, бир тарафдан ва “EXCLUSIVE MEAL BUSINESS” ХК, кейинчалик “Ижрочи” деб номланувчи номидан, Низом асосида харакатланувчи, Хайруллаев Х.Р., иккинчи тарафдан, мазкур шартномани махсус ахборот портали etender.uzex.uz №32474 лотида асосан куйидаги шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Буюртмачи” кўрсатма беради ва “Ижрочи” “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК ошхонасида ишчилари ва хизматчилари учун талон тизимида умумий овқатланиш тақсимлаш ва рецептлари тўплами меъёрларига мувофиқ, сифатли овқатланишни ташкил этиш ва таъминлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома қиймати 1-иловада тасдиқланган таомнома бўйича битта овқатланиш талони, 20 000,00 сўмни ташкил этади. Овқатланиш хизматлари учун шартнома миқдори бажарилган ишлар далолатномасига мувофиқ, ҳақиқий харажатлар бўйича тузилади.

1.3. Шартноманинг умумий қиймати, ҚҚС ҳисобланмаган ҳолда, 660 000 000,00 (олти юз олтми миллион) сўмни ташкил қилади.

2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТИ

2.1. “Ижрочи” мажбуриятлари:

2.1.1. ўз маҳсулотларини “Буюртмачи” томонидан ўзларига берилган имтиёзлар асосида амалдаги нархларда сотиш;

2.1.2. белгиланган меъёрларга мувофиқ, маҳсулотлар ва тайёрланадиган таомлар сифатини таъминлаш;

2.1.3. ошхонанинг (зал, ёрдамчи хоналар) санитария ҳолати, жиҳозларнинг яроқлилиги учун жавобгар бўлиш;

2.1.4. белгиланган тартибда тиббий кўриқдан ўтган ва санитария китобчаси мавжуд бўлган ходимларни ошхонада ишлашга қабул қилиш;

2.1.5. “Корхона” да ўрнатилган кириш режими ва объект ичидаги режимга риоя қилиш;

2.1.6. “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган мол-мулкни қабул қилиш далолатномасига асосан олиш, фаолият жараёнида фойдаланиш учун берилган мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш, мол-мулкни ўз мақсадига мувофиқ ишлатиш;

2.1.7. иш вақти тугагандан сўнг, корхонада белгиланган тартибда объектни кўриқланишга топшириш;

2.1.8. “Ижрочи” томонидан фойдаланиш жараёнида ишламай қолган ускуналарни ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлашни амалга ошириш.

2.2. “Буюртмачи” мажбуриятлари:

2.2.1. мазкур шартнома бўйича етказиб бериладиган маҳсулотлар учун тўлов шартнома тузилган кундан бошлаб 20 банк куни мобайнида шартнома умумий суммасининг 30% миқдорида олдиндан тўлов асосида амалга оширилади.

2.2.2. шартнома мажбуриятларини бажариш учун ошхонани ижарага бериш асосида ишлаш учун ошхона биноларини, савдо, технологик, совутиш ва бошқа жиҳозларни, инвентарларни ва бошқа мол-мулкдан фойдаланишни таъминлаш;

2.2.3. кўрсатилган биноларни ёритиш, иситиш, сув таъминоти, электр энергияси ва канализация тизими билан таъминлаш;

2.2.4. чиқиндиларни олиб чиқилишини амалга ошириш;

2.2.5. овқатланиш хонаси эгаллаган барча биноларда сув қувурлари, электр ёритиш, иситиш ва канализация тизимларини назорати, техник хизмат кўрсатилиши ва таъмирлашни амалга ошириш;

3. БОШҚА ШАРТЛАР

3.1. "Ижрочи" мазкур шартнома бўйича ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка мувофиқ таъминлайди.

3.2. "Ижрочи" мазкур шартнома шартларини бажариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда, бошқа ташкилотлар, корхоналар, тадбиркорлар билан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

3.3. "Ижрочи"нинг ташаббуси билан мазкур шартнома муддатидан аввал бекор қилинган тақдирда, у "Буюртмачига" ушбу шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан олдин ҳисоблаб чиқарилган ижара ҳақиға тенг миқдорда неустойка тўлайди.

3.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча баҳсли масалалар ўзаро даъволарни тақдим этиш, музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади. Даъвога жавоб уни олган кундан бошлаб 30 кун ичида юборилиши керак. Даъво тартибида ҳал қилинмаган масалалар Тошкент шаҳар иқтисодий судида кўриб чиқилиши учун юборилади.

3.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига амал қиладилар.

3.6. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати томонлар шартномани имзолаган пайтдан бошлаб 31.12.2022 гача белгиланади.

3.7. "Ижрочи" мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, "Буюртмачи" шартномани муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиши мумкин. Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги билдиришнома шартномани бекор қилиш кунидан 20 кун олдин юборилиши керак.

3.8. Шартнома муддати тугагандан сўнг, "Ижрочи" уч кун ичида қабул қилиш ва топшириш далолатномаси бўйича ушбу шартнома бўйича барча қабул қилинган нарсаларни "Буюртмачига" топширади.

3.9. Шартномага киритилган кўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг ваколатли вакилларининг имзолари билан ёзма равишда расмийлаштирилгандан сўнггина қонуний кучга эга бўлади.

4. ФОРС-МАЖОР

4.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу форс мажор натижаси бўлса (ёнғин, табиий офатлар, уруш ҳолатлари, ҳукуматнинг ҳаракатлари ва қарорлари ва бошқалар) шартнома имзоланганидан кейин пайдо бўлганда.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Буюртмачи»

"O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI" AJ
"O'ZTEMIRYO'LMASHTA'MIR" UK
Toshkent sh. 100005, Mehrjon ko'chasi, 64-uy.
Tel.: (998-71) 237-88-65 Faks: 233-53-84
H/R: 2021 0000 9001 2280 2001
O'zR TIF MB Toshkent sh. Mirobod filiali
MFO: 00875 STIR: 201051864 OKED: 33171
Sayt: www.tash-trz.uz

Бош директор

К. У. Халиков

«Ижрочи»

“EXCLUSIVE MEAL BUSINESS” Х.К.

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани,
Шохимардон кўчаси 67-уй

№ 2020 8000 9004 7706 2001

“КАПИТАЛБАНК” АТБ Яшнобод ф-ли

ОКОНХ 71300, СТИР 303369043

МФО 01136

Директор

Хайруллаев Х.Р.



ТАСДИКЛАЙМАН
Буюртмачи



ТАОМНОМА (тушлик)

Душанба

№	Таом номи	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Мошхурда	Порция	1
2	Ош(плов)	Порция	1
3	Чой, нон, салат,		

Сешанба

№	Таом номи	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Шурва	Порция	1
2	Кўвирма лагмон	Порция	1
3	Чой, нон, салат		

Чоршанба

№	Таом номи	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Маства	Порция	1
2	Чихамбле	Порция	1
3	Чой, нон, салат		

Пайшанба

№	Таом номи	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Манпар	Порция	1
2	Димлама	Порция	1
3	Чой, нон, салат		

Жума

№	Таом номи	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Нохот шурва	Порция	1
2	Бефштекс	Порция	1
3	Чой, нон, салат		

Изох: Хафталик таомнома ишчи –ходимлар талаб истагига асосан корхона КУК раиси ва Маъмурият хизмати билан биргаликда ўзгартирилиши мумкин.

**О'ZTEMIRYO'LMASHTA'MIR» УК ва
«EXCLUSIVE MEAL BUSINESS» ХК ўртасида
(шартнома тузувчи корхонанинг номи)**

**25/02/2022 йил санасида 1 – сонли шартномага
(<https://etender.uzex.uz/lot/32474>) лотининг баённомасига асосан**

КЕЛИШУВ ВАРАҚАСИ

**Корхона ишчиларнинг талон системаси бўйича овқат билан таъминлаши
(шартнома мазмуни)**

**Шартнома бўйича 1 ишчига комплекс овқат – 20 000,00 сўм
Шартноманинг умумий қиймати – 660 000 000,00 сўм (олти юз олти миш миллион сўм)**

Тасдиқловчи маъсул ходимлар	Варақанинг келиб тушиш санаси	Тасдиқловчи маъсул ходимларнинг Ф.И.Ш.	Имзо	Сана
Ижорчи				
Бош муҳандис		С.Р. Мухаммадинов		
Ишлаб чиқариш бўйича бош директор ўринбосари		Н.О. Рамагов		
Иқтисод ва молия масалалари бўйича бош директор ўринбосари – Бош ҳисобчи		Ш.К. Рухутдинов		
Тижорат ишлари бўйича бош директор ўринбосари		Ш.Ш. Джалилов		
Бош бухгалтер ўринбосари		Д. У. Хасанова		
Режа ва иқтисод бўлими бошлиғи		Х.Р. Худойкулиев		
Маркетинг, шартномалар ва ташқи иқтисодий фаолият бўлими бошлиғи		А.З. Кахаров		
Юрист		М.Р. Нурджанов		

« О'ZTEMIRYO'LMASHTA'MIR» УК бўлимлари учун эслатма

Шартнома имзолангандан кейин зарурият сабабли қўшилиши керак бўлган ўзгартиришларни фақат асосий шартноманинг умумий қийматидан 10%га нархи ошиб кетмасдан қўшимча келишув тузиш ва тасдиқлаш орқали амалга ошириш мумкин;

Шартнома имзолагандан кейин шартномани 2 иш куни мобайнида махсус ахборот порталига киритиб қўйилиши шарт.